


## Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказига раҳбар тайинланди



20:13 / 16.09.2025 824

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг мажлислар залида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси ректори Музаффар Комилов олиб борди. Тадбирда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди, Марказ олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан Комилжон Абдувалиевич Шермухамедов Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори этиб тайинлангани ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, Жасур Хатамджанович Наджимитдинов Марказнинг илмий котиби лавозимига тайинланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар марказнинг келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилаб, ушбу тайинловлар марказ фаолиятини янада ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлишини таъкидладилар.